



## АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ОЛДИ-СОТДИ, АЙИРБОШЛАШ ВА ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ

### ! ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

#### 1. Жисмоний шахслар учун

- Тарафлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар).
- Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (тех.паспорт).
- Мулк умумий бўлса, барча мулқдорларнинг (эр хотиннинг) розилиги (никоҳ гувоҳномаси).
- Мулк гаровга қўйилган бўлса гаровга олувчининг розилиги.
- Агар васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс номидан

васий (ҳомий) шартнома расмийлаштирилса – васий лик ва ҳомийлик органининг розилиги.

- Агар мулк меросга асосан тегишли бўлса, мерос гувоҳномасининг нусхаси.
- Агар автотранспорт воситалари кредит маблағларига олинган бўлса кредит шартномаси нусхаси.
- Яқин қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.
- Вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома).

#### 2. Юридик шахслар учун

- Тарафлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар).
- Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (тех. паспорт).
- Ваколатли органнинг қарори.
- Вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома).

5. Мулқдорнинг розилиги (агар юридик шахсга автомототранспорт воситаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлса).

- Таъсисчи якка бўлганида эр(хотиннинг) розилиги (никоҳ гувоҳномаси).
- Агар автотранспорт воситалари кредит маблағларига олинган бўлса кредит шартномаси нусхаси.

### 3. Ундириладиган тўлов:

#### 1. Давлат божи

Транспорт воситасининг двигатель қуввати бўйича	Ишлаб чиқарилган муддатига қараб:		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан 7 йилгача бўлганда	7 йил ва ундан ортиқ бўлганда
60 от кучигача бўлганда	810 920 сўм	608 190 сўм	405 460 сўм
60 от кучидан 110 от кучигача бўлганда	1 216 380 сўм	810 920 сўм	608 190 сўм
110 от кучидан юқори бўлганда	2 027 300 сўм	1 621 840 сўм	1 013 650 сўм

**Изоҳ.** Мулқдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набиралирига, бувиларига, буваларига, ақа-укалари ва опа-сингилларига автомототранспорт воситаларини ўтказиш шартномалари расмийлаширилапётганда давлат божи белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади.

Банк кредитлари ҳисобига сотиб олинадиган автомототранспорт воситаларининг олди-сотдиси учун давлат божи белгиланган ставканинг 10 фоизи миқдорида ундирилади.

#### 2. Герб йиғими – 20 273 сўм

#### 3. Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун

Хизмат тури	Жисмоний шахсларга	Юридик шахсларга
Тақиқни текшириш	30 409,5 сўм	50 682,5 сўм
Тушунтириш бериш	20 273 сўм	60 819 сўм
Лойиҳа тайёрлаш	40 546 сўм	101 365 сўм

- ДИҲХХ органлари ҳисобида турадиган автомототранспортнинг аерегат ракамлари мослиги штампи, тракторлар, ўзиюрар шас силар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар ўйл қурилиши машиналари учун «Ўздаётхизорат» томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома тақдим этилгандан сўнг мулкка тақиқ (арест) қўйилмаганлиги нотариус томонидан текширилади.
- Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.
- Давлат божлари ва пулли хизматлар энг кам ойлик иш ҳақи 202.730 сўм ҳолатига кўра ҳисобланган.

## Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг!



@huquqiyaxborot



fb.com/groups/adliya



instagram.com/adliyanews



youtube.com/adliya

Агар ортиқча маблаг талаб  
қилинса, Адлия вазирлигининг  
«1008» ишонч телефонига  
зудлик билан хабар беринг